**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Рўйхатга олинди:
№ БД – 5120300 – 4.01
2018 йил "26" 07

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
2018 йил "14" 06

# ШАРҚ ТИЛЛАРИ

## ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси: 100000 – Гуманитар соҳа
Таълим соҳаси: 120000 – Гуманитар фанлар
Таълим йўналиши: 5120300 – Тарих (жаҳон мамлакатлари бўйича)

Тошкент – 201___

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил “14” 06 даги “531” - сонли буйруғининг 10- иловаси билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2018 йил “26” 05 даги 2 - сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон Миллий университетида ишлаб чиқилди.

**Тузувчилар:**

| | | |
|---|---|---|
| Жўраев З.М. | – | “Манбашунослик ва архившунослик” кафедраси катта ўқитувчиси |
| Саидбобоева Г.Г. | – | “Манбашунослик ва архившунослик” кафедраси ўқитувчиси |
| Исмоилов М.М. | – | “Манбашунослик ва архившунослик” кафедраси доценти, т.ф.н. |
| Буриев О. | – | ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти катта илмий ходими, т.ф.н. |
| Холикова Р. | – | Тошкент Давлат техника университети Ўзбекистон тарихи кафедраси мудири, т.ф.н., профессор |

Фан дастури Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2017 йил “12” 12 даги 3 - сонли баённома).



## I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

Ушбу дастурда тарихий манбаларни ўрганишда лотин, сўғд, форс, араб ва бошқа тилларни ўрганишни аҳамияти, дунё маданиятини ривожланишида Қадимги Юнон тилини аҳамияти, Ғарб мамлакатлари тарихида лотин тилининг роли, лотин тили асосларини ўзлаштириш ва лотин тилидаги матнлар билан луғат ёрдамида ишлаш, Сўғд тили ва бошқа тилларни Ўрта Осиё халқларининг дунё цивилизациясида тутган ўрнидаги аҳамияти, Авесто тили, Сўғд тили асослари билан танишиш, тарихчи-мутахассислар учун араб, форс тилларини билиш аҳамияти, Шарқ тиллари ва Марказий Осиё, Шарқ мамлакатларини халқаро муносабатларини ўрганиш муаммолари, асосий луғат сўзларини ўзлаштириш форс, араб ва бошқа тилларда адабиётларни ўқиш ва таржима қилиш, эски ўзбек ёзуви асослари, эски ўзбек графикасини ўзлаштириш Ўрта Осиё ва Ўзбекистон тарихи манбаларини ўрганишда муҳим омил сифатида фаннинг аҳамияти очиб берилади.

## II. Ўқув фанининг мақсад ва вазифаси

Тарихчи талаба қўлёзма асарларни ўқиши мақсад қилинган. Тарих факультети талабалари учун мўлжалланган мазкур дастурда кўпроқ тарихий қўлёзма манбаларнинг тил хусусиятлари, қадимий атамаларни ўрганиш режалаштирилган.

Фаннинг вазифаси - талабаларда фаннинг назарий ва амалий масалалари ҳамда Марказий Осиёнинг тарихини ёритувчи манбаларни ўқишни ўргатишдан иборат.

“Шарқ тиллари” ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида бакалавр:

- талаба “Шарқ тиллари” нинг вазифалари, асосий бўлимлари, фаннинг шаклланиши ва тараққиёти ҳамда унинг асосий йўналишларини ***билиши керак;***
- талаба эски ўзбек ёзуви, араб, форс тилидаги тарихий, архив хужжатлари, тошбосма, қўлёзма. компьютер шрифтикаси ёзувлари, араб хати турлари, хаттотлик санъати намуналарини ўзлаштириши, ўқий олиш ***кўникмаларига эга бўлиши*** керак;
- талаба араб тилидаги содда матнларни ўқий олиш, шунингдек, араб тили грамматикасининг асосий қисмлари ва мингга яқин сўзни ёд олиш ***малакаларига эга бўлиши керак.***

## III. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)

### 1-мавзу. Эски ўзбек алифбоси

Ҳарфларнинг тўрт хил кўринишда бўлиши. Алиф ҳарфи. Бе, Пе, Те, Се ҳарфлари. Ушбу ҳарфларнинг ёзилиши. Се ҳарфининг фақат арабча сўзларда келиши. Мазкур ҳарфларда нуқталарнинг қўйилиши. Ташдид. Сукун.

**2-мавзу. Жим, Чим, Хе, Хе, Дол ва Зол ҳарфлари**

Жим, Чим, Ҳе, Хе Дол ва Зол ҳарфлари ифодалайдиган товушлар. Хе ва Зол ҳарфларининг фақат арабча сўзларда келиши. Ушбу ҳарфларнинг ёзилиши.

**3-мавзу. Ре, Зе, Же, Син ва Шин ҳарфлари**

Ре, Зе, Же, Син ва Шин ҳарфлари ифодалайдиган товушлар. Ушбу ҳарфларнинг ёзилиши.

**4-мавзу. Сод, Зод, То, Зо, Айн ва Ғайн ҳарфлари**

Сод, Зод, То, Зо, Айн ва Ғайн ҳарфлари ифодалайдиган товушлар. Ушбу ҳарфларнинг ёзилиши. Сод, Зод, То, Зо, Айн ҳарфларининг фақат арабча сўзларда келиши.

**5-мавзу. Фе, Қоф, Коф, Гоф, Лом ва Мим ҳарфлари**

Фе, Қоф, Коф, Гоф, Лом ва Мим ҳарфлари ҳарфлари ифодалайдиган товушлар.Ушбу ҳарфларнинг ёзилиши.

**6-мавзу. Нун, Вов, Хе ва Йо ҳарфлари**

Нун, Вов, Хе ва Йо ҳарфлари ифодалайдиган товушлар.Ушбу ҳарфларнинг ёзилиши. Вов ва Йо ҳарфларининг айрим сўзлардаги имлоси ва талаффузи ҳақида.

**7-мавзу. Лигатуралар. Танвинлар. То марбута**

Лигатураларнинг келиб чиқиши. Уларнинг ёзилиши.

**8-мавзу. Унли товушларнинг сўз бошида ёзилиши. Ҳамза белгиси**

Қисқа унлилар. Ўзбек тилига араб ва форс тилларидан ўтган сўзлар имлоси. Араб ва форс тилларидан ўтган сўзлардаги унлилар.

**9-мавзу. Е, Ё, Ю, Я ҳарфларининг эски ўзбек ёзувда ифодаланиши**

Ушбу ҳарфларнинг ёзилиши.

**10-мавзу. Унли товушлар**

Унли товушларнинг сўз орасида ва охирида ифодаланиши.Уларнинг ёзилиши.

**11-мавзу. Шамсий ва Қамарий ҳарфлар. Изофа**

Араб изофаси. Форс изофаси.

**12-мавзу. Алифи максура ҳарфи**

Алифи максуранинг ёзилиши.

**13-мавзу. Абжад ҳисоби**

Рақамлар ва сонларнинг ёзилиши. Рақамларинг ҳарфларда ифодаланиши.

**14-мавзу. Тиниш белгилари**

Эски ўзбек ёзувида тиниш белгиларининг ишлатилиши. Қўлёзма матнлардаги айрим имло хусусиятлари

**15-мавзу. Араб тилида сўз туркумлари. Отлардаги ҳолат. Шамсий ва қамарий ҳарфлар. Изофа Унлилар, Ҳаракатлар. Келишиклар**

Араб алифбосида ҳаракатларнинг унлилар сифатида ишлатилиши. Тиниш белгилари. Отларнинг грамматик хусусиятлари. Музаккар ва муаннас жинслари. Араб изофаси. Форс изофаси.

**16-мавзу. Иккилик. Кўплик. Синиқ ва тўғри кўплик**

Отларнинг бирлик ва кўпликда қўлланилиши.

**17-мавзу. Сифат. Кўмакчилар**

Сифатларнинг турлари. Кўмакчиларнинг вазифалари.

**18-мавзу. Олмош**

Кишилик олмошлари. Кўрсатиш олмошлари. Араб тилида Олмошларнинг турлари ва қўлланилиши.

**19-мавзу. Гапларнинг турлари**

Араб тилида гап турлари. Дарак гап. Содда йиғиқ исмий гап.

**20-мавзу. Аниқловчи. Изофа**

Араб тилида аниқловчининг вазифаси ва турлари. Изофанинг хусусиятлари. Шамсий ва Қамарий ҳарфлар.

**21-мавзу. Содда ёйиқ гап**
**Сўроқ гап**

Сўроқ гапнинг турлари. Сўроқ сўзлар.

**22-мавзу. Нисбий сифат**
**Кўпликдаги мослашув**

"Йойи нисбат". Нисбий сифатда "Йойи нисбат"нинг имлоси.

**23-мавзу. Феъл**
**Ўтимли ва ўтимсиз феъллар**

Араб тилида феъл ва феъл маъносидаги сўзларнинг икки гуруҳга бўлиниши.

**24-мавзу. Феъл замонлари. Ўтган замон**

Ўтган замон феълининг турланиши.

**25-мавзу. Матн устида ишлаш: دیع مویان**

Матннинг грамматик таҳлили.

**26-мавзу. Матн устида ишлаш: لماعلا مقش يف**

Матннинг грамматик таҳлили. Рақамлар ва сонларнинг ёзилиши. Қ
матнлардаги айрим имло хусусиятлари.

## IV. Амалий машғулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотлар учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Эски ўзбек ёзуви хусусиятлари.
2. Араб изофаси.
3. Шамсий ва Қамарий ҳарфлар.
4. Форс изофаси.
5. Ракамлар ва сонлар.
6. Абжад ҳисоби.
7. Қўлёзмаларни ўқиш.
8. Матн кўчириш.
9. Нотаниш матнни ифодали ўқиш.
10. Араб тили хусусиятлари.
11. Араб изофаси. Шамсий ва Қамарий ҳарфлар.
12. Нотаниш матнни таржима қилиш.
13. Қўлёзмаларни ўқиб таржима қилиш.
14. Матнни характларини қўйиб кўчириш.
15. Нотаниш матнни ифодали ўқиш.
16. Нотаниш матнни грамматик таҳлил қилиш.
17. Луғатлар билан ишлаш.

Амалий машғулотлар мультимедиа қурилмалари билан жиҳоз адиторияда бир академ гуруҳга бир ўқитувчи томонидан ўтказилиши Машғулотлар фаол ва интерактив усуллар ёрдамида ўтказилиши, мос ра муносиб педагогик ва ахборот технологиялар қўлланилиши мақсадга мув

## V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Алиф, Бе, Пе, Те, Се харфларини ёзиш.
2. Жим, Чим, Ҳе, Хе, Дол ва Зол ҳарфларини ёзиш.
3. Ре, Зе, Же, Син ва Шин харфларини ёзиш.
4. Сод, Зод, То, Зо, Айн ва Ғайн ҳарфларини ёзиш.
5. Фе, Қоф, Коф, Гоф, Лом ва Мим харфларини ёзиш.
6. Нун, Вов, Ҳе ва Йо харфларини ёзиш.
7. Лигатура, танвин ва То марбутанинг ёзилиши.
8. Унли товушларнинг ифодаланиши.
9. Нотаниш матнни кўчириш ва ифодали ўқиш.
10. Нотаниш матнни эски ўзбек ёзувига ўгириш.
11. Турли хат турларида харфларни ёзиш.
12. Қўлёзмаларнинг ёзилиши.
13. Нотаниш матнни кўчириш ва ифодали ўқиш.
14. Нотаниш матнни таржима қилиш.
15. Тарихий манбалардаги хусусиятлар.
16. Нотаниш матнни грамматик баён қилиш.

Мустақил ўзлаштириладиган мавзулар бўйича талабалар томонидан рефератлар тайёрлаш ва уни тақдимот қилиш тавсия этилади.

## VI. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбалари

### Асосий адабиётлар:


1. Бобобеков Ҳ. ва бошк. Алифбо. – Т.: Ёзувчи, 1998.
2. Жуманиёзов Р. Эски ўзбек ёзуви. – Т. : Ўқитувчи, 2001.
3. Устози аввал. – Т., 2005.
4. Шермухаммедов Т. ва бошқ. Ўқиш китоби. – Т.: Ўқитувчи, 1994.


### Қўшимча адабиётлар:


5. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабрь, /Ш.М. Мирзиёев. – Т.: "Ўзбекистон", 2017.
6. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: "Ўзбекистон" , 2017.
7. Абдусаматов М. Сиз форсча сўзлашасизми? – Тошкент, 1975.
8. Абдусаматов М. Ўзбекча-русча-форсча сўзлашгич. – Тошкент. Қомуслар бош таҳририяти, 1992.
9. Арабча – ўзбекча луғат: 7 минг сўз ва ибора // тузувчилар: Иброҳимов Н. ва бошқ. – Т., 2000.
10. Ботирбек Ҳасан. Араб тили дарслари. 1-китоб. –Тошкент. Мовароуннаҳр. 1998. – 68 б.
11. Иброҳимов Б. Араб тили. 1-китоб. – Тошкент. 1991. Иномхўжаев Р., Умаров И. Араб-ўзбек ёзуви. – Т., 1993.
12. Иномхўжаев Р. Араб-ўзбек ёзувини ўргатиш бўйича программа. – Т., 1989.
13. Исҳоқов Ф. Эски ўзбек ёзуви. – Андижон, 1989.
14. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ, 1998.
15. Солиҳ Ҳ. Алифбо (мустақил ўрганувчилар учун). – Т.: Фан, 1989.
16. Тарихий манбашунослик муаммолари. / Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Т., 2008, 2013.
17. Шарафутдинов С., Расулов М. Араб алифбоси асосидаги ўзбек ёзувини ўрганувчилар учун методик тавсиялар. – Андижон, 1989.
18. Халилов Э. Форс тили. – Тошкент, 1989.

**Интернет сайтлари:**

19.www.ziyonet.net
20.www.history.ru
21.Шарк тиллари. ЎУМ. ЎзМУ АРМ, 2015.